

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 17 май, № 96 (5263) Сешанба


# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!




*Давлатимиз раҳбари жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида уюштирган ташрифлари чоғида эртамиз эгалари бўлмиш келажак авлод учун барча зарур шарт-шароитни яратишда уларнинг қизиқиши ва эҳтиёжини эътиборга олиш зарурлигини алоҳида таъкидлаб келадилар.*

## БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ





**Болалар спорти**

Хусусан, Президентимиз 2008 йилда Қашқадарё вилоятига ташрифи пайтида Қарши шаҳридаги маданият ва спорт-соғломлаштириш марказида вилоят спортчилари ҳамда уларнинг мураббийлари билан мулоқотда бўлиб, жойлардаги қурилиш-бунёдкорлик ишларини амалга ошириш жараёнида ёшларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиш лозимлигини қайд этган эдилар. Мана шу тавсияларга асосан, Гувалак қишлоғидаги болалар спорт мажмуасида барпо этилган халқаро андозаларга мос бадиий гимнастика залида ёш спортчилар учун барча шарт-шароит ва қулайликлар яратилди.

(Давоми 4-бетда).

**Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқларининг дўстона алоқалари узоқ даврларга бориб тақалади. Бугунги кунда икки халқ ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик муносабатлари изчил тараққий этмоқда. Бу, айниқса, савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўлами тобора кенгайиб бораётганида яққол кўзга ташланади. Жумладан, ҳар икки мамлакат ишбилармон доираларининг ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида иш олиб бораётгани турли соҳаларда юқори ўсиш суръатлари таъминланишида муҳим омил бўлаётир. 2010 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 150 миллион АҚШ долларини ташкил қилгани бунинг тасдиғидир. Юртимизда ҳинд сармоядорлари иштирокида тузилган 62 та қўшма корхона фаолият юритмоқда. Мазкур давлатнинг 18 та фирма ва компанияси мамлакатимизда ўз ваколатхонасини очган.**

## Ўзбекистон — Ҳиндистон: ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Ўтган йили биргина Фарғона вилояти ҳамда Ҳиндистон давлати хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги ташқи савдо айланмаси ҳажми 991 минг АҚШ долларини ташкил этди. Шундан 140 минг АҚШ долларилик маҳсулот Ҳиндистонга юборилган бўлса, 851 минг АҚШ долларилик товар вилоятга олиб келинди.

**Биз ва жаҳон**

Айтиш жоизки, ҳиндистонлик ишбилармонлар, асосан, вилоятда тайёрланаётган қишлоқ хўжалиги ва нефть маҳсулотларига буюртма беришса, фарғоналик хўжалик юритувчи субъектлар Ҳинд диёридан машина ва маиший жиҳозлар, қора ва рангли металл харид қилишмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳит яратилган. Бу хорижий тадбиркорларнинг юртимизда самарали фаолият юритишига ёрдам бериш баробарида, ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Натижада Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритиш истагидаги хорижий инвесторлар тобора кўпайиб бораётир. Хусусан, Фарғона вилояти, Тошкент шаҳри ва вилоятида самарали фаолият кўрсатаётган "Spentex Toshkent To`ytepa" хорижий корхонаси ҳам бунинг бир мисолидир. Марғилон шаҳрида мазкур корхонанинг филиали иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, бу ерда пардоз ва бўёқ берилаётган бежирим матоларга дунёнинг турли мамлакатларидан буюртмалар келиб тушмоқда. Бошқача айтганда, бош корхонада йигирилиб, тўқилган матолар 100 нафарга яқин марғилонлик моҳир ишчи-мутахассислар қўлида сайқал топиб, бўяш, гул босиш каби тегишли жараёнлардан ўтгач, буюртмачиларга етказиб берилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

**Кўргазма**

***"Ўзэкспомарказ" мажмуасида "Энергетика — Power Uzbekistan — 2011" VI Халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси иш бошлади.***

## ЗАМОНАВИЙ, ТЕЖАМКОР ВА ИЛҒОР УСКУНАЛАР

### энергетика тизими ривожида муҳим омил бўлмоқда

Мазкур нуфузли тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси, Савдо-саноат палатаси кўмагида "ITE Uzbekistan" кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.

Бугун кундалик ҳаётимизни ҳам, иқтисодиёт тармоқларининг истиқболини ҳам электр энергетикаси ривожисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун мазкур тармоқ иқтисодиётнинг қон томирига қиёсланади. Мамлакатимизда истиқлол йилларида энергетика тизимини такомиллаштириш, мавжуд қувватлардан унумли фойдаланиш ва янгиларини бунёд этиш масаласига устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда. Натижада аҳоли ва саноат корхоналарининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи тўлиқ таъминланиб, барча соҳаларда барқарор ривожланишга эришилаётир.

Айниқса, халқаро кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари Баҳодир Абдураҳмонов таъкидлаганидек, республикамиз энергетика тизимида техник ва технологик янгиланиш ҳамда модернизациялаш ишлари жадал олиб борилаётгани нафақат ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, балки табиий ресурсларни тежаш, йўқотишларнинг олдини олиш каби эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## УЛКАН МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

***Франциянинг "Pantheon-Assas Paris II" университети профессори Жак Барранинг мамлакатимизга ташрифи доирасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида "Ўзбекистон геосиёсати" мавзуида семинар бўлиб ўтди. Семинар таниқли олимнинг "Ўзбекистон геосиёсати" китобининг асосий концептуал қоидалари таҳлилига бағишланди.***

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ташқи сиёсий тадқиқотлар мувофиқлаштирувчи-таҳлил маркази, Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идоралари, шунингдек, Франция Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси вакиллари иштирок этди.

Семинарда Жак Барра анжуман иштирокчиларини китобининг асосий йўналишлари билан атрофлича таништирди. Олим Францияда ва умуман, бутун Европада ўзбек халқининг бой тарихий ва маданий мероси, Ўзбекистон бугун иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда эришаётган ютуқлар, мамлакатнинг ташқи сиёсати ва халқаро майдондаги ўрни юксак қадрланишини алоҳида таъкидлади.

"Ўзбекистон геосиёсати" китобида алоҳида таъкидланганидек, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели"ни танлади ва у ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Муаллиф таъкидлаганидек, айнан Ўзбекистон танлаган ривожланишнинг ўзига хос ва мос йўли самарасида мамлакатда 1991 йилдан буён молиявий барқарорлик сақланмоқда, изчил иқтисодий ўсиш таъминланмоқда ва 2008 йилдан бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари муваффақиятли бартараф этилди.

Жак Барра ўз китобида, шунингдек, Ўзбекистоннинг фуқаролар ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, суд тизимини инсонпарварлаштириш ва эркинлаштиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатларига юксак баҳо берган. Унинг фикрича, Ўзбекистонда 2008 йилнинг январь ойида ўлим жазосининг бекор қилиниши бу йўналишдаги улкан қадам бўлди.

Француз сиёсатшуносининг қайд этишича, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти тизимини ислоҳ қилиш доирасида сайлов тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу мамлакатда демократлаштириш жараёнини ва сиёсий партиялар фаолиятини кучайтириш, шунингдек, нодавлат ташкилотлар ҳамда турли уюшмаларнинг ролини ошириш ва ваколатларини кенгайтиришга хизмат қилади, деб ҳисоблайди француз олими. "Бу соҳада, шу жумладан, ижтимоий жабҳадаги қонунчилик нормаларини такомиллаштириш нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда давлат тузилмаларининг транспарентлиги ва самарали ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қилади", деб таъкидлайди Жак Барра.

"Ишончим комилки, Ўзбекистон қонунчилигига киритилаётган, XXI аср талабларига жавоб берадиган ўзгартиш ва янгиликлар Ўзбекистонга нафақат бетимсол ютуқларга ҳамда мустақиллик йилларида қўлга киритилган муваффақиятлар эътироф этилишига эришиш, балки ёш авлоднинг келгусида жамиятни ривожлантиришда янада фаол иштирокини таъминлаш имконини беради. Шу тариқа, ёшлар демократик ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши мумкин".

(Давоми 2-бетда).

## ИНСОН МАНФААТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

***Мамлакатимизни демократик янгилашнинг энг асосий йўналишларидан бири қонунийлик, қонун устуворлигини таъминлаш, шахс ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш йўлида суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш, либераллаштиришдан иборатдир.***

**Анжуман**

Бу борада "Хабеас корпус" институтининг жорий этилганлиги, яъни эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш учун санкция бериш ҳуқуқи 2008 йилдан бошлаб прокурордан судларга ўтказилганлиги муҳим қадам бўлди. Ушбу қарор ўз вақтида ва тўғри қабул қилинганлиги бугун ўз тасдиғини топди — мазкур институтнинг жорий этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

***Президентимизнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган "Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини биз, тадбиркорларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг амалий ифодаси сифатида катта мамнуният билан кутиб олдик.***

## ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ – ТАДБИРКОРГА ҚАНОТ

Бу ҳужжат тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш учун қўшимча қулай шарт-шароитлар яратиш, айниқса, янги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш ва харажатларни камайтириш бўйича тегишли вазифалар белгилаб берилгани, турли имтиёзлар кўзда тутилгани билан аҳамиятлидир.

**Дил сўзи**

Кичик бизнеснинг бир вакили сифатида яхши биламанки, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, дадил оёққа туриб олиш, кўп жиҳатдан, дастлабки ҳаракатларнинг қўллаб-қувватланишига боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда ишбилармонларнинг эркин фаолият юритишлари учун барча қулайликлар яратиб берилмоқда. Янги ташкил этилган кичик корхоналар, шунингдек, самарали фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига солиқ ва бошқа тўловлар бўйича турли имтиёзлар қўлланилаётгани бунинг яққол далилидир.

(Давоми 2-бетда).

## САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ – САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

***Давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига ўтказиладиган сайловларда сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар ва уларни кўрсатган сиёсий партиялар учун ўзига хос катта синов ҳамда сарҳисоб даври ҳисобланади. Шунинг учун сайлов кампаниясида сайловолди ташвиқоти жараёни ниҳоятда муҳим босқич бўлиб, унда сиёсий партиялар, номзодлар мамлакатни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий юксалтириш бўйича ўз дастурларининг мазмун-моҳиятини намоён қилади.***

Президентимиз таъкидлаганидек, "Ҳар бир партия ўз қиёфасига, жамиятнинг ўзи суянадиган қатламлари манфаатларини ифода қилувчи аниқ дастурига эга бўлиши лозим. У, ҳозир таомилда бўлганидек, ўзининг маълум ва доимий сайловчиларига эга бўлиши лозим, халққа сайловолди мавсумида эълон қилган дастурининг энг тўғри эканини, мамлакат интилаётган мақсад, фаровон ҳаётга айнан мана шу дастур орқали эришиш мумкинлигини исбот қилган ҳолда, уни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиши лозим".

Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигида сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ ҳуқуқий асослар мустаҳкамланган бўлиб, улар мазкур тадбирнинг тенг, адолатли, очиқ ва ошкора мезонлар асосида олиб борилишини тўла кафолатлайди. Хусусан, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги ва бошқа қонунларда сайловолди ташвиқотини амалга оширишга доир нормалар ўрин олган.

**КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар**

Сайловолди ташвиқотини амалга ошириш жараёнида сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилиши қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилиши сиёсий партияларга кенг имкониятлар яратиб берди. Бироқ ана шу имкониятлардан фойдаланишда сиёсий партиялар ва депутатликка номзодлар амалдаги меъёрлар талабларига қатъий риоя этишлари лозим. Чунки сайловолди ташвиқоти номзодлар ва сиёсий партиялар ҳамда сайловчилар учун ҳам ниҳоятда муҳим палла. Чунончи, айнан шу даврда депутатликка номзодлар сайловолди ташвиқоти жараёнида ўзининг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, қарашлари, билими ва салоҳиятини сайловчилар олдида тўла намоён қилади. Айни чоғда депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар ўз дастурларининг асосий йўналишлари, мазмун-моҳияти ва келгусидаги режалари билан сайловчиларни яқиндан таништирадилар. Қолаверса, сайловолди ташвиқоти ҳар бир партия ва номзод учун сайловчиларни овоз беришга ишонтиришга қаратилган муҳим жараён ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, сайлов кампанияси жараёнида сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг шакл ҳамда усуллари тобора турли-туман ва кенг миқёсга эга бўлиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасида сайлов қонунчилигини ривожлантириш борасида илгари сурган муҳим ташаббусларидан бири сифатида сайловолди ташвиқотининг ҳуқуқий асослари, унинг тушунчаси, олиб бориш шартлари, турлари, рухсат этилган шакл ҳамда усулларини қонун билан белгилаб қўйиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон — Ҳиндистон:

# ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Собиқ “Атлас” ишлаб чиқариш бирлашмаси ўрнида ташкил этилган ушбу фабрика Англия, Германия ва Япония давлатларининг замонавий дастгоҳ ва ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда пахта хом ашёсидан тайёрланаётган юқори сифатли матоларга бўлган талаб тобора ортиб бораяпти. Хусусан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 80 фоиздан ортиғи дунёнинг ўнлаб мамлакатларига экспорт қилинаётир.

Қувонарлиси, фарғоналик ва ҳиндистонлик инвесторлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари янада кенгаймоқда. Айни пайтда вилоят тўқимачилик саноати вакиллари республика Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги орқали ҳиндистонлик сармоядорлар билан пахта ва пиллани қайта ишлаш, тайёр кийим-кечак ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар ташкил этиш бўйича музокаралар олиб боришаяпти. Бу эзгу мақсадларнинг амалга оширилиши ички бозорни импорт ўрнини босувчи ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш ҳамда юртимизнинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш имконини бериши, шубҳасиз.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**СУРАТДА:** корхона тикувчиси Манзура Ҳамидова.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича танланган моделнинг изчил амалга оширилиши Ўзбекистонга жадал тараққий этаётган давлатлар қаторига қўшилиш имконини берди, деб ишонч билан қайд этади Жак Барра. “Мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишга эришилмоқда, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳисобидан фаровонлик таъминланмоқда, саноатни модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, шунингдек, бошқа йўналишларда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда”.

# УЛКАН МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

“Ўзбекистон геосиёсати” китобида трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан фойдаланиш, йирик гидротехник иншоотлар қурилиши муаммоларига кенг ўрин берилган. Китоб муаллифи сув танқислиги бугун нафақат миллий, балки халқаро муаммога айланганини қайд этар экан, трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шу жумладан, янги гидроэлектростанциялар қурилиши масаласи алоҳида долзарблик касб этаётганини таъкидлайди. Шу маънода, янги гидроиншоотлар қурилиши атроф-муҳитга зарар етказмаслиги ҳамда Амударё ва Сирдарёнинг қуйи оқимида яшаётган аҳоли манфаатларига дахл қилмаслиги лозимлиги қайд этилади. Олим бундай гидротехник иншоотлар сўзсиз, халқаро ҳуқуқ меъёрларига амал қилган ҳолда ва БМТнинг тегишли конвенциялари талаблари асосида, мустақил халқаро экологик экспертизадан ўтказилиши зарурлигига эътибор қаратади.

Жак Барра ўз китобида яна бир муҳим йўналиш — таълим соҳаси хусусида ҳам сўз юритган. Муаллиф Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 12 фоизи ушбу соҳага йўналтирилаётганини, халқаро миқёсда бу кўрсаткич ўртача 3-5 фоизни ташкил этишини қайд этади. Мамлакатда 1,5 мингдан зиёд академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда, 4,5 мингдан ортиқ умумтаълим мактаблари таъмирланди, 75 олий таълим муассасасида 300 мингдан ортиқ талаба 850 мутахассислик бўйича таълим олмоқда.

Француз олими Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик ва геосиёсий муносабатларининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси сифатида дунё ҳамжамиятига фаол интеграциялашиб бораётганини мамнуният билан қайд этади. Ўзбекистон 20 йиллик муттасил тараққиёти мобайнида миллий мустақиллигини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган прагматик ва изчил ташқи сиёсат юритиб келаётир. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи, шу жумладан, Франция билан ҳамкорлиги барча йўналишларда фаол ривожланмоқда.

Жак Барра қайд этганидек, “Тошкент минтақавий дипломатия пойтахтига айланмоқда”. Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосини ҳал этиш борасидаги ташаббуслари бу фикрнинг ёрқин далилидир. Ўзбекистоннинг бу масаладаги ташаббуси Францияда катта қизиқиш уйғотмоқда. Зеро, Европа хавфсизлиги бевосита Афғонистонда барқарорлик ўрнатилиши билан боғлиқдир. Ўзбекистон минтақада хавфсизликни таъминлаш ҳамда Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишда ҳал қилувчи ўринлардан бирини эгаллайди. Европа мамлакатлари Ўзбекистоннинг Афғонистонни тиклаш ишидаги ёрдамини, расмий Тошкентнинг мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлайди.

Анжуманда мамлакатимизнинг давлат ва жамоат тузилмалари, етакчи илмий тадқиқот ва академик марказлари вакиллари сўзга чиқди.

Семинар иштирокчилари француз геосиёсий таҳлил мактаби фаолияти ва мустақил Ўзбекистон тараққиётининг асосий босқичлари, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари билан таништирилди.

Халқаро ҳамкорлик, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, шунингдек, Европа мамлакатлари билан маданий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

# ИНСОН МАНФААТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ ҳамда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмиталари томонидан ташкил этилган “Хабеас корпус” институтининг қўлланиш доирасини кенгайтириш” мавзуидаги конференцияда ана шу масала ҳақида сўз борди.

Конференцияда таъкидланганидек, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёни ҳаётга фаол жорий этилмоқда. Хусусан, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини яратиш, Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлаш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар манзилли, тизимли ва изчил равишда амалга оширилаётир.

Ўзбекистонда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилганлиги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт нормалари, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг бошқа умумэътироф этилган принцип ва нормалари миллий қонунчилигимизга изчил равишда имплементация қилиб борилаётганлигидан далолат беради.

Миллий қонунчилигимизга “Хабеас корпус” институтининг жорий этилиши инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлашда суднинг, суд ҳокимиятининг обрў-эътиборини оширишга қаратилган. Қамоққа олишга суд томонидан санкция бериш ва унинг муддатини узайтириш тартибининг жорий этилиши терговда вақтида йўл қўйилган хатоларни судга қадар иш юритишнинг дастлабки босқичларида аниқлаш ва белгилаш борасида судлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Судга қадар иш юритишда “Хабеас корпус” институтини қўллашнинг самарадорлиги жиноят процессининг судга қадар бўлган босқичларида суд томонидан амнистия актини қўллаш тартибини ўрнатиш ҳақида қарор қабул қилинишига ёрдам берди. Суд томонидан амнистия актини қўллаш тартибининг жорий этилиши судга қадар иш юритишда ва ҳукмни ижро этиш босқичида суд назоратини ўрнатишга қаратилган яна бир қадам бўлди. Умуман олганда, ушбу тартиб амнистия актини қўллашнинг қонунийлигини таъминлаш ҳамда амнистия акти қўлланилаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш манфаатларига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичларидан бири Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29 ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутадиган бир туркум қонун лойиҳаларини тайёрлашдан иборат бўлиб, уларда белгиланадиган тартибга кўра, судга қадар иш юритиш босқичида қўлланиладиган процессуал мажбурлов чоралари, чунончи, шахсни лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш чораси фақат судьянинг санкцияси билан қўлланилади.

Ушбу ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов пайтида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида “Хабеас корпус” институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, халқаро ҳуқуқнинг жиноий таъқиб вақтида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги умумэътироф этилган принциплари ва нормалари қамоққа олиш масаласини ҳал қилиш босқичидаёқ амалга оширилишини таъминлаш имконини беради.

Конференция якунлари бўйича “Хабеас корпус” институтининг умумэътироф этилган халқаро нормалари ва стандартларини қўллаш соҳасини кенгайтириш мақсадида жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ушбу институтни қўллаш соҳасида иштирок этиши механизмини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар қабул қилинди.

Конференцияда сенаторлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ва Олий судлари, Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), мамлакатимиз илмий ва таҳлил марказлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг**
**Матбуот хизмати.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Янги ташкил этилаётган корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибининг соддалаштирилишини эса соҳа ривожида навбатдаги муҳим қадам бўлди, дейиш мумкин. Чунки қарорда рўйхатга олиш тадбиркорнинг аризасига кўра, намунавий таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилиши очиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш тараддудида юрганлар, фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлган ишбилармонлар ниҳоятда кўп. Хусусан, бизнинг “Dovon” масъулияти чекланган жамиятимиз ҳам Истиқлол шарофати, кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар меваси сифатида 2005 йилда ташкил этилган.

Бугун шуни фахр билан айлик ва рангдаги плёнкалар тайёрлаш ўзлаштирилди.

Маҳсулотларимизнинг сифати юқорилиги боис талаб тобора ортиб бораяпти. Ўтган йили 5 миллиард 785 миллион сўмлик 936 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилгани бунга мисол бўла олади.

Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 7 миллиард сўмликка етказишни мўлжал-

# ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ — ТАДБИРКОРГА ҚАНОТ

мумкинлиги, бу жараёнда нотариал тарзда тасдиқланган таъсис ҳужжатлари талаб қилинмаслиги, шунингдек, давлат божи ставкаси энг кам иш ҳақи миқдорининг бир баравариға тенглаштирилгани аниқ белгилаб қўйилди. Бу каби енгилликлар, ўз навбатида, тадбиркорнинг вақтини тежаши билан аҳамиятлидир.

Айни пайтда тадбиркорлар даврасида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан соҳада жорий этилаётган бундай янгилик ва ўзгаришлар ҳақида сўз юритилмоқда. Энди бизнес фаолиятини бошламоқчи бўлганларга уларнинг аҳамияти тушунтирилмоқда. Чунки юртимизда кичик корхона таманки, мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бизнинг корхонамизда полиэтилен плёнкалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Дастлабки йилларда харидорларга ойига 8-10 тонна маҳсулот етказиб берилган бўлса, ишлаб чиқариш модернизация қилиниб, хорижнинг энг замонавий технологик линиялари ўрнатилгач, маҳсулот тури ҳам, унинг ҳажми ҳам ошди. Муҳими, фаолият кўлами кенгайиб, ишчилар сони 42 нафарга етди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли 2007 йилдан бошлаб иссиқхоналар учун 3 қаватли полиэтилен плёнкалар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, саноат ва уй-рўзғор учун турли қалин-лаб турибмиз. Биринчи чоракда 2 миллиард 67 миллион сўмлик маҳсулот сотилгани бунинг уддасидан бемалол чиқишимиздан далолат бермоқда.

Қисқача айтганда, мамлакатимизда биз, тадбиркорларнинг самарали фаолият юритиши учун барча шарт-шароит мавжуд. Ундан оқилона фойдаланиб, фидокорона меҳнат қилсак, юртимиз равнақи, иқтисодиётимиз тараққиёти, халқимиз турмуши фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаверамиз.

**Ҳикматилла АБДУЛЛАЕВ,**
**«Dovon» МЧЖ бош директори.**
Тошкент шаҳри

# САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ — САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сайлов қонунчилигимизнинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири шундаки, сайловолди ташвиқоти жараёнида номзодларга ва сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун давлат бюджетидан маблағ ажратилади. Мамлакатимизда, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг парламентда тутган ўрни ва мавқеидан қатъи назар, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда уларга тенг шароитлар яратилиши, тенг эфир вақти берилиши белгиланган.

Бу масала қонунлар ва қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинган. Жумладан, бунда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом муҳим аҳамиятга эга. Мазкур Низом депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Сайловолди ташвиқоти тушунчасининг аниқ белгилаб қўйилиши, уни амалга ошириш шартлари, турлари, рухсат этилган шакл ҳамда усулларининг қонунчиликда мустаҳкамланиши, аввало, ушбу жараёнда депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, сайлов кампанияси жараёнига турли хил ноқобил кучлар аралашувининг олдини олиш, сайловчиларга ўз сиёсий қарашларини, хоҳиш-истакларини мустақил билдириш, номзод ва партия ҳақида мустаҳкам фуқаролик позициясига суянган ҳолда тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Дарҳақиқат, сайлов тизимини демократлаштириш жараёнларининг ривожланиб бориши ҳар доим сайловчилар овозларига бўлган курашнинг кучайишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам сайловолди ташвиқоти жараёнини тартибга солишнинг асосий йўналишларини белгилаш, ушбу жараёнда сиёсий партияларнинг ва сайлов жараёни бошқа субъектларининг ўрни ва ролини аниқ белгилаб қўйиш айни муддаодир.

Сайловолди ташвиқотини амалга ошириш соҳасида миллий амалиёт ҳамда ривожланган хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатдики, бир қатор усуллар воситасида уни амалга ошириш имкони мавжуд. Яъни бир марталик босма маҳсулотларни (баннер, плакат, буклет, брошюра ва бошқалар) чиқариш ва тарқатиш, даврий босма нашрларда ахборот эълон қилиш (мақола, интервью, депутатликка номзод ҳақида маълумотлар ва бошқалар), аудиовизуал асарлар ва фонограммаларни (оммавий дебатлар, мунозаралар, матбуот анжуманлари, партияларнинг реклама роликлари ва бошқалар) ёзиб олиш орқали ёки тўғридан-тўғри эфирга узатиш, ахборот маълумотларини, босма маҳсулотларнинг электрон версиясини ҳар қандай маълумот ташувчи восита, шунингдек, Интернет орқали тарқатиш мумкин. Айни чоғда сайловчилар билан телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда мулоқот қилиш ҳамда сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар ва уларнинг ишончли вакилларининг сайловчилар билан учрашувлар пайтидаги тўғридан-тўғри мулоқоти ва бошқаларни уюштириш мумкин.

Сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи моддаларга “сайловолди ташвиқотининг нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмас”лиги тўғрисидаги нормани киритиш бўйича Президентимиз ташаббуслари овоз бериш жараёнида сайловчининг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалашини таъминловчи муҳим кафолатдир. Бу норма қатор ривожланган демократик давлатлар, хусусан, Франция, Канада, Италия ва бошқа мамлакатлар қонунчилиги ҳамда амалиётида самарали қўлланиб келинмоқда. Мазкур мазмундаги қоида нафақат сайловчиларга ўз қарашларини, сиёсий хайрихоҳлигини аниқлаб олиш учун қўшимча вақт берилишига имкон яратади, балки сайлов кунидан олдин сайловолди ташвиқоти субъектлари томонидан турли суиистеъмоллик ҳолатлари ва қонунбузилишларининг олдини олишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, сайловолди ташвиқотининг тўғри олиб борилиши сиёсий партиялар учун ўз электорати доирасини кенгайтиришга ва юксалтиришга олиб келса, депутатликка номзодлар учун эса сайловчиларнинг ишончини қозониш ва депутат этиб сайланиш йўлида муҳим аҳамиятга эга.

**Акрам ЖУМАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котибияти ташкилий-методик бўлими мудири.**

***Бухоро вилоятида ҳам фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига пухта ҳозирлик кўрилди. Шу кунгача вилоятдаги 26 та фуқаролар йиғинида сайловлар юксак даражада ўтказилгани ҳам ана шундан далолат бериб турибди.***

# АҲОЛИ ИШОНЧИ ВА МАСЪУЛИЯТ

— Вилоятимиз бўйича 549 нафар раис ва уларнинг 5500 дан зиёд маслаҳатчиларини сайлаш кўзда тутилган, — дейди Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси аъзоси З. Адизов. — Шунинг ўзиёқ ушбу ижтимоий-сиёсий тадбир нечоғли кенг кўламли ва муҳим эканлигини кўрсатиб турибди. Албатта, вилоятимиз аҳолиси маҳаллалар оқсоқоллигига масъулиятли, катта ҳаётий тажрибага ҳамда эл орасида ҳурмат-эътиборга эга бўлган фидойи фуқароларнинг сайланишига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу бежиз

**Сайловлар давом этмоқда**

эмас, албатта. Негаки, ўтказилаётган сайловлар жамиятни янгилаш, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасидаги вазифаларни рўёбга чиқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ва аҳамиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Жондор туманидаги Навгади маҳалласида 2400 нафардан зиёд аҳоли яшайди. Маҳалла оқсоқоли ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида сайловчилар хоҳиш-иродасини 51 вакил ифода этди. Ушбу маҳалла раислигига уч нафар номзод кўрсатилган эди. Учаласи ҳам бу вазифага муносиб. Маҳалла аҳолиси уларни изланувчан, меҳнаткаш, эл ташвишида елиб-югурадиган кишилар сифатида яхши билади. Уларнинг дастурларида тўй ва турли маърака-маросимларни камчиқим, дабдабасиз ўтказиш, маҳаллада тозалик-ободончилик ишларини яхшилаш, оилалар тинч-тотувлигини таъминлаш каби қатор юмушларга алоҳида эътибор қаратилган.

— Туманимизда жами 51 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 550 нафарга яқин маслаҳатчилари сайланиши режалаштирилган бўлиб, жойларда сайлов жараёнлари демократик тамойиллар асосида ўтаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз, — дейди Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси раиси Ҳ. Худойқулов. — Масалан, “Зарафшон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ишчанлик руҳида ўтди.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида бухороликлар фаол иштирок этмоқда. Муҳими, сайловчилар номзодларнинг дастурларига жиддий эътибор қаратишмоқда. Албатта, буларнинг барчаси юртимизда “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойили қарор топаётганидан далолатдир.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЗАМОНАВИЙ, ТЕЖАМКОР ВА ИЛҒОР УСКУНАЛАР

## энергетика тизими ривожида муҳим омил бўлмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни пайтда Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги “2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 44 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилаётгани эътиборга лойиқдир. Бу лойиҳаларни муваффақиятли рўёбга чиқариш учун эса чет эл корхоналарининг замонавий технологиялари, тежамкор асбоб-ускуналари жалб этилаётир.

Энергетика тармоғи корхоналарининг хорижий компаниялар билан савдо-иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш муносабатларини йўлга қўйиш ва уни изчил ривожлантиришда, шунингдек, анъанавий ўтказиб келинаётган ихтисослаштирилган кўргазманинг аҳамияти беқиёс бўлмоқда. Чунки иштирокчиларга ушбу тадбирда ўз маҳсулотларини намойиш қилиш ба-




робарида, ҳамкорлар топиш, улар билан ўзаро келишувларга эришиш ва битимлар имзолаш учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилган. Шу боис тадбирда иштирок этувчилар сони йил сайин кўпаймоқда. Масалан, бу йил юртимиз ишлаб чиқарувчилари билан бирга, Германия, Франция, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Қозоғистон, Россия, Украина сингари дунёнинг кўплаб давлатларидан 30 дан ортиқ йирик компаниялар ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

— Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз тобора мустаҳкамланиб бораяпти, — дейди “Global Insulator Group Ltd” компаниясининг бўлим бошлиғи Алексей Шахов. — Сабаби, юртингизда нафақат энергетика, балки металлургия, нефть ва газ, шунингдек, темир йўл тизимида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Бизнинг жамоамиз эса иқтисодиётнинг ушбу муҳим тармоқларига зарур ускуна ва жиҳозлар, хусусан, ойна ва чинни изоляторлар, чизиқли арматуралар, турли кучланишли трансформаторлар етказиб беради. Компаниямизнинг Россия ва Украинадаги заводлари модернизация қилингач, ишлаб чиқариш қуввати икки бараварга ортгани кўргазма давомида кўплаб буюртмалар олиш, янги ҳамкорлар топишга ёрдам беради, деб умид қилаяпмиз.

Кўргазма залларини айланар экансиз, у ўз ишида энергетика тармоғининг барча йўналишларини қамраб олганига гувоҳ бўласиз. Негаки, бу ерда энергетика технологиялари ва ускуналари, трансформаторлар, кабеллар, электр қурилмалари, ҳисобга олиш ва назорат қилиш асбоблари, автоматлаштирилган бошқарув тизимлари, шунингдек, муқобил энергия манбалари, саноат энергетикаси, турбогенераторлар, ёрдамчи ускуналар ва бошқа кўплаб маҳсулотлар намойиш этилмоқда. Айниқса, тармоқнинг энг сўнгги технологик янгиликлари — энергия таъминоти, энергия ресурслари сарфини назорат қилиш ва ҳисобини юритиш тизимлари барчада катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазма доирасида “Энергетика — 2011: инновациялар, ечимлар, истиқболлар” мавзуида халқаро энергетика конференцияси ўтказилиши ҳам мўлжалланган.

Мамлакатимиз энергетика тизимида эришилаётган ютуқларнинг ҳақиқий намойишига айланган мазкур халқаро кўргазма ўз ишини давом эттирмоқда.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**



***Юртбошимиз таъкидлаганидек, тадбиркорлик юртимиз ҳаётида қадим замонлардан буён алоҳида ўрин тутиб келади. У — аждодларимиздан мерос қадрият. Истиқлол кўплаб соҳалар қатори тадбиркорликнинг ривожига ҳам кенг йўл очди. Натижада у шунчаки даромад манбаи бўлибгина қолмасдан, бунёдкорлик, яратувчилик мақомига ҳам кўтарилди. Мулкка эгалик қилиш муносабатлари шаклланиб, иқтисодиётни эркинлаштириш, реал сектор тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаб бориш ислоҳотлари изчил амалга оширилди.***




# БУНЁДКОРЛИК ШИЖОАТИ

## юртимиз тадбиркорларини хайрли ишларга бошламоқда

Пировард натижалар кутилганидан ҳам зиёда бўлди. 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда мазкур кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди. Тадбиркорлар эндиликда жамиятнинг нуфузли қатламига айландилар: янги иш ўринларини яратиш, ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда уларнинг ҳиссаси ва хизмати беқиёс. Энг муҳими, бугунги кунда юртдошларимиз тадбиркорларга ишонмоқда, суянмоқда, эргашмоқда.

Айни пайтда Сурхондарё вилоятида 25 минг нафардан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритаяпти. Улар қўлга киритаётган ютуқлар эътирофга сазовор. Хусусан, Абдулла Холтўраев бошлиқ "Сурхон — Термиз — Силк" корхонаси қисқа муддат ичида воҳада ишлаб чиқариладиган пиллани қайта ишлаш қувватларини ўзлаштиришга эришди. Ипак калавани хорижга экспорт қилишни йўлга қўйди. Холмамат Нормуродов ишбилармонлиги ва узоқни кўра билиши эвазига Термиз паррандачилик корхонасини мушкул вазиятдан олиб чиқди. Вилоятдаги жами паррандаларнинг олтидан бир қисми ҳозир шу корхона ҳиссасига тўғри келади. Корхона жамоаси ишни энг замонавий технологиялар асосида ташкил этаётгани меҳнат унумдорлигини оширишга имкон яратмоқда. Зеро, бугун бозорлардаги парҳез гўшт ва тухум расталарининг тўкинлиги, нархнинг нисбатан арзонлиги бевосита уларнинг меҳнати самарасидир.

Ёки Жарқўрғон туманидаги "Парвина" хусусий ишлаб чиқариш корхонасини олайлик. Қурилиш фаолиятига ихтисослаштирилган корхона жамоаси 2010 йилда лойиҳа қиймати 2 миллиард сўмлик касб-ҳунар коллежини бунёд этиб, фойдаланишга топширди. Ундан олдин бинокорлар томонидан муҳташам академик лицей биноси қуриб битказилди. Куни кеча жамоа тендер натижаларига кўра, қиймати 2 миллиард сўмлик яна бир иншоот қурилишига масъул бўлди.

— Бугунги кунда халқ хўжалигининг барча соҳаси соғлом рақобат асосида ривожланиб бормоқда, — дейди корхона раҳбари Рамазон Исаев. — Бу тежамкорликка, ишни белгиланган вақтда ва сифатли адо этишга ундайди. Биз ҳар бир ҳовуч цементни, металлни, ҳатто тошни тежашга интиламиз. 50 та муқим ишлайдиган қурувчимиз бор. Шу йилнинг ўзида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 20 нафарини иш билан таъминлашни режалаштираяпмиз.

Дарҳақиқат, хайрли мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлар самараси беиз кетмайди.

"Мен ўстирган анорнинг мевасини қуёш урмайди. Олмаларимни қурт-ҳашарот емайди", деб мақтанишни яхши кўради шерободлик тадбиркор Содиқ Турдиев. Чунки у ишлайди. Ҳар қайси тадбирни ўз вақтида адо этади. Мулкини сақлашни, кўпайтиришни ва шу орқали элюртга наф келтиришни ўйлайди. Унинг фикрича, тадбиркорнинг тоши сувга чўкмайди. Тоши пастга қараб эмас, юқорига ўрлайди.

"Тадбиркорнинг тоши сувга чўкмайди", дейишимиз муболаға эмас. Ангор туманидаги "Ангорпласт" хусусий корхонаси пениблок деб аталувчи деворбоп ашё ишлаб чиқаришни йўлга қўйдики, бу материал чиндан ҳам сувда чўкмайди. Пениблок тош-шағалдан ва цемент аралашмасидан тайёрланган, узунлиги икки қарич, эни 20 сантиметр, баландлиги 30 сантиметрдан иборат бетон ғишт. Бир донаси йигирма килограмм тош босади. Ташласангиз, сувнинг юзига қалқиб чиқади, чўкмайди. Чунки хом ашё — шағал, цемент кўпикли, кислородли сув билан қориштирилади. Натижада ғиштнинг ичкари қисмида майда-майда ғовакчалар ҳосил бўлиб қолади. Ғовакчаларда туриб қолган ҳаво унинг чўкиб кетмаслигини, сув юзасига қалқиб чиқишини таъминлайди. Шу технология асосида тайёрланган пениблок — бетон ғиштнинг қатор афзалликлари бор: пениблокдан терилган девор яхши "нафас олади". Ёзда иссиқни, қишда совуқ ва захни ўзига тортмайди. Хона ҳавосининг тоза, мўътадил сақланишини таъминлайди. Шовқинни ўтказмайди.

Пениблок ғишт қурувчилар учун ҳам қулайликлар туғдиради: ҳажмига нисбатан олиб қараганда бетон ёки пишиқ ғиштдан кўра 10 фоизга енгил. Уни аралаш мумкин. Сувоқни ўзига яхши олади.

— Айни пайтда биз йўлаклар учун мўлжалланган йигирма хилдаги плиталарни ишлаб чиқараяпмиз, — дейди корхона бошлиғи Ражаб Шералиев. — Буюртмалар кўп. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини икки бараварга оширамиз ва 5 та қўшимча иш ўрни яратишни режалаштирганмиз.

**Б**ундай эзгу интилиш-изланишларга бугун вилоятнинг ҳар бир гўшасида гувоҳ бўлиш мумкин. Хусусан, жорий йил воҳада 64644 та иш ўрни яратиш режалаштирилган бўлса, шунинг учдан икки қисми тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келади. Бу эса соҳа вакилларининг давлат ва жамият ривожидаги улуши тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Давлат-акциядорлик тижорат "Асака" банки Украинанинг "Банкиръ" журнали ташаббуси билан ўтказилган "МДҲ, Болтиқбўйи, Грузия — 2010 йил банки" халқаро танловида иштирок этиб, унинг "МДҲ, Болтиқбўйи, Грузия банклари ичида энг очиқ ва шаффоф банк" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди.***

# «АСАКА» БАНКИ — ЭНГ ОЧИҚ ВА ШАФФОФ БАНК

**Эътироф**

Совриндорлар сафидан жой олган банкка ташкилотчилар томонидан мукофот ва махсус диплом тантанали равишда топширилди. Унинг фаолияти ҳақидаги маълумот "МДҲ, Болтиқбўйи, Грузия банклари — 2011 йил" йиллик халқаро маълумотлар каталогининг бош қисмидаги "Танловлар ва ғолибларимиз" бўлимидаги махсус саҳифада чоп этилди.

Айтиш керакки, мазкур танлов "МДҲ, Болтиқбўйи, Грузия банклари" йиллик халқаро маълумотлар каталогини чоп этувчи "КБС-Издат" халқаро нашриёти ва унинг таркибий тузилмасига кирувчи "Банкиръ" ихтисослаштирилган журнали ҳамда "Кредит-Рейтинг" рейтинг агентлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Бундан кўзланган бош мақсад ушбу минтақалардаги молия-кредит институтлари фаолиятининг алоҳида йўналишлари бўйича энг яхши банкларни аниқлаш, уларга бўлган ишончни янада мустаҳкамлашдан иборатдир. Унда жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатаётган молия муассасалари иштирок этади, барча банкларга тенг шароит ҳамда бир хил имконият яратиб берилади.

Танлов бу гал ҳам икки босқичда ўтказилиб, дастлаб иштирокчи банклар фаолияти хусусий сўровномалар асосида ўрганилди. Иккинчи босқичда эса уларнинг фаолияти чуқур таҳлил қилиниб, ҳар бири учун берилган алоҳида овозлар ҳисобга олинди. Натижада номинациялар бўйича энг кўп балл тўплаган банк халқаро банк экспертлари, халқаро рейтинг агентликлари, "Банкиръ" журнали таҳририяти аъзоларидан ташкил топган танлов ҳайъати томонидан ғолиб, деб эътироф этилди.

Нуфузли танловда қатнашган кўплаб молия муассасалари ичидан "Асака" банкининг ғолиб бўлиши, албатта, мамлакатимиз банк-молия тизимининг энг ишончли эканлиги ва барқарор ривожланаётганининг яққол тасдиғидир.

**Банк ахборот хизмати.** t

# Қурилиш маҳсулотлари кўпаймоқда

***Ғаллаорол туманидаги "Политрон — Неруд" корхонасида қурилиш хом ашёси — қум ва шағал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.***

Қиймати 400 миллион сўмлик мазкур лойиҳа шарофати билан 20 та иш ўрни вужудга келди.

Эътиборлиси, корхона жамоаси томонидан ўтган қисқа муддатда 660 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланиб, қурилиш ташкилотларига етказиб берилди.

Умуман, ўтган йили туманда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 9 та корхона фаолияти йўлга қўйилиб, 240 кишининг иш билан бандлиги таъминланди.

**У. АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

monohrom
Оргтехника учун қуйидаги ассортиментда
ТОНЕРЛАР, ФОТОБАРАБАНЛАР, КАРТРИЖЛАР, ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР
(ракель, термоплёнка, вал ва бошқалар)
defender
Арзимас майда-чуйдалар қулайлик яратади.
Клавиатура, оптик «сичқонлар», гарнитуралар, тармоқ фильтрлари, акустика тизимлари, стабилизаторлар, ўйин жиҳозлари.
Маҳсулот сертификатланган.
120-02-03
www.monohrom.uz

Setko
System Integration. Security
GeoVision
МАГАЗИН-САЛОН
IP ВИДЕОКУЗАТУВ ВА КИРИШНИ БОШҚАРИШ
GEOVISION
кучли таҳлил қилиш воситалари
Харакатланаётган объектни пайқаш ва уни кузатиш.
Олинган тасвир сифатини яхшилаш (тутун, туман, ёмғир, қор, чангда туширилган).

Буюртма бўйича.
Тел.: (8-371) 238-99-97. www.geovision.uz

Россия линолеуми

Тел.: 234-48-11.
Факс: 234-49-58.
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР
«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК
ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)
Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

